



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6



ТОШКЕНТ-2020

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Эргашева Юлдуз Алимовна
*Тарих фанлари доктори, профессор
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Бурдиашвили Майя
Доктор исторических наук, Телавский государственный университет, Грузия

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный университет, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,
Қозғистон Республикаси*

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат техника университети

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий Университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон Миллий университети

Зияева Доно Хамидовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Агзамова Гулчехра Азизовна
*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори, Тошкент кимё - технология институти

Джоробекова Айнур Эшимбековна
*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,
Қозғистон Республикаси*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти

Толипов Файзулла Саидович
*Тошкент давлат техника университети доценти,
тарих фанлари номзоди*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1.Рафикжон Атаханов ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ҚОРАҚАЛПОҚЛАРИДА АНЪАНАВИЙ ЧОРВАЧИЛИК ХЎЖАЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (хўжалик-маданий анъаналар тавсифи ва таҳлили).....	4
2.Фахриддин Абдулбоқиев ФАРҒОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИННИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ ВА МАВЖУД МУАММОЛАР.....	10
3.Илхомжон Гуламов XIX АСР ОХИРИ ТУРКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ: ТАРИХ, ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР.....	18
4.Дилшод Комолов ТУРКИСТОН АССРДА АНЪАНАВИЙ СУДЛАР ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....	24
5.Фазилат Нурметова ЎЗБЕКИСТОН-ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ЎЗАРО АЛОҚАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (2000-2020 йиллар).....	31
6.Рислиғой Расулова ТУРКИСТОН ТАТАР ДИАСПОРАСИ МАСАЛАСИ ТАРИХШУНОСЛИГИГА БИР НАЗАР.....	37
7.Нилуфар Рахматова ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНДА ХОТИН -ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	44
8.Дилшода Рўзиева ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОН: ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ ЎРНИ.....	50
9.Шавкатжон Тўланбоев ГЛОБАЛЛАШУВ ВА МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР МАСАЛАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ.....	55
10.Бахтиёр Халмуратов, Мадина Бахриддинова МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	61
11.Солижон Қудратов ҚАДИМГИ ФАРҒОНА (ДОВОН) ПОДШОЛИГИ ТАРИХИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	68
12.Шахноза Холикулова ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ.....	74

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Нилуфар Мустақимовна Рахматова,
Навоий давлат педагогика
институтини мустақил изланувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ВА УНДА ХОТИН -ҚИЗЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

For citation: Nilufar Mustaqimovna Rakhmatova, SOME COMMENTS ON ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN AND THE ROLE OF WOMEN IN IT. Look to the past. 2020, vol. 6, issue 3, pp.44-49

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-6-7>

АННОТАЦИЯ

Мустақиллик йиллари хотин-қизлар масаласи, уларни ҳақ-ҳуқуқлари, иш билан таъминлаш, тадбиркорлик, бизнесга жалб этиш долзарб бўлиб бормоқда. Бу ўз навбатида аҳолини иш билан таъминлаш, ҳаёт фарованлигини оширишда аҳамият катта. Айниқса, хотин-қизлар қобилиятини очиқ намоён қилиши учун соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, фан, ижтимоий лойиҳалар, ўз-ўзини бошқарув органи маҳалла доирасида кенг имкониятлар яратилиши ҳам хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкилаш билан бирга, ўз имкониятларини кўрсатишга шароит ҳам яратиб беради. Бу борада Ўзбекистон ишбилармон Ўзбекистон ишбилармон аёлларнинг “Тадбиркор аёл” уюшмасининг ўрни ва роли катта. Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳуқуқлари, уларнинг тадбиркорлигини ва ижтимоий ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, инновацияларни жорий этиш орқали молиявий ва ахбирот ресурсларидан фойдаланишни таъминлашга ёрдам бериш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодий билимларни ошириш, касбий қайта тайёрлаш ва хотин-қизларни фойдали иш билан таъминлаш учун турли таълим дастурларини амалга оширишда ҳукумат томонидан яратилган шароитда бу уюшманинг ўрни беқиёс.

Калит сўзлар: Уюшма, инновация, касаначилик, жамғарма, микрокредит, ташкилот, сертификат, лаёқат, бунёдкорлик фаолияти, бандликни таъминлаш, кичик бизнес, мезон, фаровон ҳаёт.

Нилуфар Мустақимовна Рахматова,
соискатель Навоийского
государственного педагогического института

НЕКОТОРЫЕ КОММЕНТАРИИ О ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВЕ В УЗБЕКИСТАНЕ И РОЛИ ЖЕНЩИН В НЕМ

АННОТАЦИЯ

За годы независимости вопрос о женщинах, их правах, занятости, предпринимательстве, вовлечении в бизнес становится все более актуальным. Это, в свою очередь, важно для обеспечения занятости и улучшения благосостояния населения. В частности, создание возможностей для женщин открыто демонстрировать свои способности

в области здравоохранения, образования, культуры, науки, социальных проектов, самоуправления в обществе не только укрепит положение женщин в обществе, но и создаст для них условия для раскрытия своего потенциала. В связи с этим роль Ассоциации деловых женщин Узбекистана «Деловая женщина» велика. Социальные права женщин, поддержка их предпринимательской и социальной инициативы, помощь в обеспечении доступа к финансовым и информационным ресурсам через инновации, повышение экономических знаний за счет развития семейного бизнеса, профессиональной подготовки и различного образования для полезной занятости женщин. Роль этой ассоциации в реализации ее программ неопределима в условиях, создаваемых правительством.

Ключевые слова: Ассоциация, инновации, надомная работа, сбережения, микрокредит, организация, сертификация, компетентность, творческая деятельность, занятость, малый бизнес, критерии, благополучие.

Nilufar Mustaqimovna Rakhmatova,
Navoi state pedagogy
independent researcher of the institute

SOME COMMENTS ON ENTREPRENEURSHIP IN UZBEKISTAN AND THE ROLE OF WOMEN IN IT

ABSTRACT

During the years of independence, the issue of women, their rights, employment, entrepreneurship, business involvement has become increasingly important. This, in turn, is important in providing employment and improving the welfare of the population. In particular, the creation of opportunities for women to openly demonstrate their abilities in health, education, culture, science, social projects, self-government within the community will not only strengthen the position of women in society, but also create conditions for them to show their potential. In this regard, the role of the Association of Business Women of Uzbekistan "Businesswoman" is great. Social rights of women, support of their entrepreneurship and social initiative, assistance in ensuring access to financial and information resources through innovation, increase of economic knowledge through development of family business, various retraining for vocational retraining and employment of women. The role of this association in the implementation of its programs is invaluable in the conditions created by the government.

Index Terms: Association, innovation, home-based work, savings, microcredit, organization, certification, competence, creative activity, employment, small business, criteria, well-being.

1. Долзарблиги:

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг хотин-қизлар масаласи, хусусан уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иш билан тامينлаш, бозор иқтисодиёти жараёнида тадбиркорлик, бизнес соҳасига жалб этиш масаласига катта эътибор бера бошланди. Шу йиллар мобайнида республикада хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини кўтариш, манфаатини ҳимоялаш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Жамиятдаги ўзгаришларни шубҳасиз, аҳолининг деярли тенг ярмини ташкил этадиган хотин-қизлар, уларнинг иштироки ва фаоллигисиз амалга ошириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам бугунги даврда кенг қамровли демократик ислохотлар кўламини кенгайтириш, мамлакатни модернизациялаш жараёнида хотин-қизлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислохотлар жараёнида фаол иштирок этаётган экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга мос ҳолда хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, уларни оила, жамият ва давлат қурилишидаги вазифаларини ҳал этишдаги ўрни ва нуфузига эътиборни кучайтиришга муҳим аҳамият касб этади. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг бу борадаги қатор фармон ва қарорлари,

айниқса, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожатномасида хотин-қизлар борасидаги қатор мулоҳаза, таклиф ва тавсиялари юқоридаги фикр-мулоҳазаларга мантиқий жавоб бўлиб хизмат қилмоқда[1].

2. Методлар ва ўрганилганлиги даражаси:

Мавзу доирасида касаначилик масаласи билан иқтисодчилар, тарихчилар шуғулланиб келаётганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш масалалари иқтисод йўналишидаги илмий-тадқиқотларда[2] аёллар бандлиги, саноат ва қишлоқ хўжалигида қўл меҳнати билан машғул аёллар, уларни меҳнатга жалб қилиш каби масалалар хужжатли материаллар тарихчилар томонидан амалга ошириб келинмоқда[3].

3. Тадқиқот натижалари:

Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш, ҳаёт фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳалари ривожига катта аҳамият билан қаралмоқда. XXI асрга келиб Республикада хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилиши, оиладаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида миллий механизм муваффақиятли тарзда ишлаб турибди. Унда хотин-қизларнинг бандлиги, ижтимоий фойдали меҳнатдаги фаол иштирокига назар ташланса у ҳолда қуйидаги ҳолат номоён бўлади.

Биринчидан, аҳолининг ярмидан зиёдини хотин-қизлар ташкил қилади.

Иккинчидан, айнан, хотин-қизларнинг ўз қобилиятини очиқ намоён қилиши мумкин бўлган соҳалар – соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, фан, ижтимоий лойиҳалар, ўз-ўзини бошқарув органи маҳалла доирасида ва бошқалардаги фаолияти жамият барқарорлиги ва эркин демократик давлат барпо этишда муҳим ўринни эгаллайди[4]. Ҳозирги давр, замонавий шарт-шароит, амалий ҳаётнинг ўзи турмуш тарзини бойитишнинг бош мезони сифатида тадбиркорлик билан шуғулланишни, фаровон ҳаётни асоси сифатида майдонга олиб чиқмоқда. Бу борада оилавий тадбиркорлик бандликни таъминлаш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш энг муҳим омиллардан бўлиб, у миллий иқтисодиётнинг таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Таъкидлаш лозимки, оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусияти, у кўп асрлик оилавий анъаналар, қадриятлар билан уйғун тарзда ривожланади. Бу анъанавийлик қишлоқларда, катта шаҳарларда асрлар давомида мавжуд бўлган. Масалан, Тошкент, Қарши, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда анъанавий равишда шаҳар-ҳовли ва дала-ҳовлилар мавжуд бўлган[5]. Катта оилалар анъанавий тарзда ҳамжиҳат равишда ҳунармандчилик билан ҳам машғул бўлишган. Ушбу оилаларда ҳар бир унинг аъзосининг ўз ўрни ва роли бўлган. Қайд этиш лозимки, ҳозирги вақтга келиб оилалар даромадининг 4/1 қисмидан кўпроғи тадбиркорлик эвазига тўғри келмоқда. Мамлакат ҳукумати томонидан бу рақамни янада кўтариш, оила даромадларининг 50% эҳтиёжи тадбиркорлик эвазига қопланишига эришишни кун тарихига қўймоқда. Бу республика учун ҳам долзарб аҳамият касб этади. Чунки, Европа мамлакатларида бир ишловчи 0,7 киши меҳнат ёшига етмаган болалар ва нафақадаги кексалар тўғри келса, бу кўрсаткич Республикада 2,5 атрофидаги кишини ташкил қилмоқда[6]. Табиийки бундай шароитда фақат ойлик маош билан оила иқтисодий эҳтиёжини таъминлаб бўлмайди. Шу боисдан ҳам ҳозирги вақтга келиб оилавий бизнес, тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Масалан, статистик маълумотларга кўра, 1991 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотлардаги улуши 1,5 %, 2000 йилда 31% ни, 2005 йилда 38% ни, 2015 йилда эса ушбу кўрсаткич 56%, 2019 йилга келиб эса деярли 62% дан зиёдни ташкил этмоқда[7]. Шунингдек саноат маҳсулотларининг 40%, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли 100% ушбу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ҳозирги даврга келиб аҳоли бандлигининг 80% дан кўпроғи мазкур соҳага тўғри келади. Мазкур кўрсатмалар ўз вақтида тадбиркорларнинг нафақат ўз оиласи, турмуш фаровонлиги, балки, мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига қўшилаётган хисса деб бемалол таъкидлаш жоиз. Солиқ ставкаларининг йилдан-йилга пасайтирилиб бориши, кредитлар миқдорининг тизимли ошиб бориши, ишбилармонлик муҳитининг яратилиши кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожига

муҳим туртки ва омил бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусан, 2019 йилда Ўзбекистон халқаро “Doing Business” рейтинг кўрсаткичида жаҳон миқёсида бизнес юритишга қулай шароит яратилган 20 талик сафига киргани юқоридаги мулоҳазанинг мантикий тасдиғи бўлиб хизмат қилади. Халқаро ташкилотлар, хусусан, Жаҳон Банки, Халқаро валюта фонди ва бошқалар ўз маъруза ва чиқишларида кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасида энг яхши натижаларга эришган давлатлар қаторига чиққанлигини этироф этишмоқдалар. Қайд этиш лозимки кейинги йилларда Ўзбекистон ишбилармон аёлларининг “Тадбиркор аёл” уюшмаси мамлакат иқтисодиётида бозор муносабатларини жорий этишда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шроитлар яратиб, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, бизнесда ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш каби кўплаб аҳамиятга молик ишларни амалга оширилмоқда.

“Тадбиркор аёл” уюшмаси аввал бошида аёллар тадбиркорлиги истиқболларини намоён этиш мақсадида 1991 йилда ўн икки нафар тадбиркор аёл томонидан ташкил этилган бўлиб, республикада хотин-қизлар тадбиркорлигининг ижобий салоҳиятини очиб беришни ўз олдида мақсад қилиб қўйган эди. Ушбу ишбилармон аёллар уюшмаси бирлиги йўлида 14 вилоят, 62 та ҳудудий филиаллари ягона тармоққа бирлаштирган бўлиб, унда 200 га яқин мутахассис аёллар тадбиркорлигини кенгайтиришга ҳисса кўшмоқда, иқтисодий ривожланиш ва ҳимоя қилиш учун шароит яратмоқда, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳуқуқлари, уларнинг тадбиркорлигини ва ижтимоий ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш, инновацияларни жорий этиш орқали молиявий ва ахбирот ресурсларидан фойдаланишни таъминлашга ёрдам бериш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодий билимларни ошириш, касбий қайта тайёрлаш ва хотин-қизларни фойдали иш билан таъминлаш учун турли таълим дастурларини амалга оширилмоқда.

Уюшмага ҳозирги кунда 70000 га яқин тадбиркор аёл аъзо бўлиб, улар ўз фаолиятлари давомида жами 70000 дан зиёдрок иш ўринларини ташкил қилишди. Шунингдек, 2017 йилга қадар 14000 дан зиёд хотин-қизларга бизнес юритиш асослари ўғатилди, ишсиз бўлганларга касб-ҳунар эгаллашларига амалий ёрдам бериди ва ҳоказо. Бу каби сай-ҳаракат шубҳасиз, Республикада, нафақат Ўзбекистонда балки, халқаро миқёсда ҳам намунали нодавлат жамоат уюшмаси сифатида қайд этилди. Масалан, 2012 йилда ушбу уюшма БМТ нинг Хотин-қизлар манфаати йўлидаги тараққиёт жамғармасининг (ЮНИФЕМ) махсус мукофоти, “Касбга ўқитиш ва микрокредитлаш орқали хотин-қизларнинг иқтисодий мавқеини оширишга кўмаклашиш” йўнаши бўйича мазкур ташкилотнинг сертификати ва мукофотларига сазовор бўлган эди[8].

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини турмуш тарзи, айниқса, қишлоқ ҳудудидаги аҳоли, хусусан хотин-қизлар, кўп болали оилаларни иқтисодий аҳволида ҳам табиийки, ўзгаришлар содир бўлди. Ушбу ўзгаришлар бозор иқтисодиёти шароитида хотин-қизларни ушбу шароитга мослаштириш, бу йўналишда тегишли чора-тадбирлар кўриш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада хотин-қизлар уй шароитидан ажралмаган ҳолда меҳнат қилиши учун жуда аҳамиятли бўлиб ҳисобланади. Шу боисдан ҳам уларни касаначилик билан машғул бўлишлари хотин-қизларнинг ўзлари учун жуда мақбулдир.

Шу ўринда касаначилик ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, касаначилик - даромад келтирувчи меҳнат фаолияти сифатида XVIII-XIX асрлардаги саноат инқилоблари даврида замонавий тус олган бўлиб, бунда йирик корхоналар иқтисодий мақсадга мувофиқлиги нуқтаи назаридан маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнларининг муаян қисмини аҳолининг уй хўжаликларида жойлаштирган. Ўша даврлардан касаначиликнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги, биринчидан, корхоналарда кўп меҳнат билан шуғулланувчи ходимлар банд қилган ишлаб чиқариш майдонлари бўшаши, иккинчидан, ижтимоий муҳофазани талаб қилмаган арзон ишчи кучидан фойдаланиш, учинчидан, маҳсулот сифати ва уни стандартлаштириш тартибига қаратилиши белгиланган[9].

XX асрга келиб эса Ғарб мамлакатларида, айниқса, Жанубий-шарқий Осиёнинг жадал ривожланаётган мамлакатларида (Осиё йўлбарслари) да уй меҳнати янги сифатда юзага чиқди. Натижада йирик корхоналар ва индивидуал ишлаб чиқарувчилар орасида меҳнат шартномаларига асосланган кооперация шаклланди.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодийни модернизациялаш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш шароитида касаначилик сифат жиҳатидан янги кўринишда юзага келди. Бир қатор, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Касаначиликни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш чора-тадбарлари тўғрисида”ги 2017 йил 24 май Қарори, “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги 2018 йил 7 июнь ПҚ-3777-сон Қарори қабила қабул қилинди. Булар орқали корхона буюртмасига кўра меҳнат фаолияти юритувчи фуқаро ва корхона орасидаги кооперация шакли жорий қилинди. Чунки, улар уй шароитидан узоқлашмаган ҳолда ўзларининг имкониятларига мос турли меҳнат турлари билан банд бўлишлари-ўз оилаларида яқин кишилари, меҳнатга лаёқатли фарзандларининг бўш вақтида ҳам улар билан биргаликда ибратли фаолият билан шуғулланишлари, бунинг орқасидан эса, ўзи ва оиласини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаши амалга ошириш имкони туғилди.

4. Хулосалар:

Меҳнат фаолиятининг бу шаклидан унумли фойдаланиш, биринчидан қишлоқ жойларида ўткир бўлиб турган ишсизлик муаммосини ҳал этишга имкон беради, иккинчидан у ёки бу сабабга кўра ишлаб чиқаришда иштирок эта олмайдиган аёллар учун ишлаш имконияти яратилади, учинчидан, касаначиликнинг маоши оила бюджетига қўшимча бўлиб, даромад ошишига олиб келади ва ниҳоят инсонларнинг, айниқса кўп болали аёлларнинг ишига, бунёдкорлик фаолиятига бўлган эҳтиёжи қондирилади. Хотин-қизлар иқтисодий фаолиятида бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, бу орқали бандликни таъминлаш, кичик бизнес орқасидан иқтисодий таъминланганлик, ўз ички имкониятларини рўёбга чиқариш, иқтисодий жиҳатдан аввало ўзини, оиласини шу орқали жамиятни бойитиши, кўплаб кишиларни фойдали меҳнат билан банд қилиш, ижтимоий ҳаёт бобида инсон меҳнатидан қониқиш лозимлиги ҳисси каби ижобий жиҳатларни юзага чиқариб, иқтисодий барқарорликка замин бўлиб хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь (President of the Republic of Uzbekistan Sh. M. Mirziyoyev's Address to the Oliy Majlis // People's Speech, January 25, 2020.).

[2] Тўқаева З. Ўзбекистон хотин-қизлари қишлоқ хўжалигида. – Тошкент, 1991 – 22 б.; Ирисова М. Занятность женщин Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореф. дисс...канд. экон.наук.–Ташкент, 1995–23 с.; Убайдуллаева Р. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтиш шароитида аёллар ва меҳнат // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Тошкент, 1995. – №9. –Б. 24-25.; Акобирова А. Оила иқтисодиётидаги ишбилармонлик муҳитига таъсир этувчи омиллар // “Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясида олималарнинг ўрни” мавзусидаги республика илмий амалий конференция материаллари. 1 – қисм. (2016 йил, 15-16 апрель (То'qaeва Z. Women of Uzbekistan in agriculture. - Tashkent, 1991 - 22 p .; Irisova M. Zanyatnost jenshchin Uzbekistana v usloviyah perexoda k rynochnym otnosheniyam. Scientist and phd in economic – Tashkent, 1995–23 p .; Ubaydullaeva R. Uzbekistan: women and labor in the transition to market relations // Social sciences in Uzbekistan. –Tashkent, 1995. - №9. –В. 24-25 .; Akobirova A. Factors influencing the business environment in the family economy // Proceedings of the Republican scientific-practical conference "The role of scientists in the integration of science, education and industry." Part 1 (April 15-16, 2016) .

[3]Бобожонова Д. Аҳолини иш билан таъминлаш ва миллий ишчи кадрлар тайёрлаш. – Тошкент. Абу Райхон Бериуний номидаги ТДТУ, 1995.– 37 б.; Ўша муаллиф. Миллат

ғурурига айланган аёл // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1996. – № 1. – Б.14; Рашидова С. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш муаммолари // Ўзбекистонда “Гендер ва ривожланиш” хабарномаси, 1999.– № 2.–Б.17-23.; Шамсиева М. Хотин –қизларни қўллаб-қувватлаш – Ўзбекистоннинг устувор вазифаларидан бири // “Фарғона водийси тарихининг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика илмий – амалий анжуман материаллари. – Наманган. 2018. -345-347 б.; Балтабаева М. Ўзбекистон хотин – қизларининг 2017-2021 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ўрни // Ўзбекистон хотин –қизлар “Олима” уюшмаси. “Аёл ва жамият тараққиётининг янги поғонасида” номли республика илмий – амалий анжуман материаллари. – Тошкент. 2018. – 131-135 б.; Ўша муаллиф. Оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг янги босқичга кўтарилиши // Водийнома.- Андижон.2019. №2, - 29-33 б. (Bobojonova D. Employment and training of national workers. - Tashkent. TSU named after Abu Rayhan Beruni, 1995.– 37 p .; That author. The woman who became the pride of the nation // Science and life. - Tashkent, 1996. - № 1. - B.14; Rashidova S. Problems of improving the situation of women in Uzbekistan // Bulletin "Gender and Development" in Uzbekistan, 1999.– № 2. – P.17-23 .; Shamsieva M. Supporting women is one of the priorities of Uzbekistan // Proceedings of the Republican scientific-practical conference "Current issues in the history of the Fergana Valley." - Namangan. 2018. -345-347 b .; Baltabaeva M. The role of women in Uzbekistan in the development of small business and private entrepreneurship in 2017-2021 // Women's Association of Uzbekistan "Olima". Proceedings of the Republican scientific-practical conference "Women and society at a new stage of development." - Tashkent. 2018. - pages 131-135; That author. Rising to a new level of organization of family business // Vodiynoma.- Andijan.2019. №2, - 29-33 pages)

[4]Тошматов И., Тошматова Д. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда хотин-қизларнинг ўрни// Ўзбекистон интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда хотин-қизларнинг ўрни// Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2016. 69-71 бет (Toshmatov I., Toshmatova D. The role of women in the implementation of economic reforms in Uzbekistan // The role of women in enhancing the intellectual potential of Uzbekistan // Materials of the Republican scientific-practical conference. Tashkent, 2016. 69-71 pages).

[5] Веки времен. Альманах. -Ташкент, 1990. -с 29-30. (Veki vremen. Almanac. - Tashkent, 1990. -p 29-30.)

[6] Тошматов И., Тошматова Д. кўрсатилган мақола; статистис тўплам. 2018 йилнатижалари бўйича. – Тошкент, 2019. -25 бет. (Toshmatov I., Toshmatova D. specified article; statistical collection. According to the results of 2018. - Tashkent, 2019. -25 pages.)

[7] Акбаров А.Б. Оилвий тадбиркорликда иқтисодий билимнинг ўрни // Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясида олималарнинг ўрни. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 1 қисм. Самарқанд, 2016 268-269 бетлар (Akbarov A.B. The role of economic knowledge in oil entrepreneurship // The role of scientists in the integration of science, education and industry. Materials of the Republican scientific-practical conference. 1 part. Samarkand, 2016 pages 268-269).

[8] Махмудова Г. Роль неправительственных организаций в становлении и развитии женского предпринимательства в Узбекистане // <http://www.fpa.su> (Maxmudova G. Rol nepravitel'tvenix organizatsiy v stanovlenii i razviti jenskogo predprinimatel'stva v Uzbekistae // <http://www.fpa.su>)

[9] Ўзбекистонда касаначилик иқтисодий-ижтимоий зарурати // BIZNES-ЭКСПЕРТ. - №9, 30 сентябрь, 2018 йил (Economic and social necessity of home-based work in Uzbekistan // BUSINESS-EXPERT. -№9, September 30, 2018).

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 6 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 6

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 6

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000